

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида Жиззах вилоятининг шаҳар, туманлари, олис ва чекка қишлоқларида маънавий-маърифий учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

УМИД ВА ИШОНЧ БИЛАН

«Бахмал» қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган тадбирда вилоят маънавият тарғибот маркази раҳбари Шукрат Туратов катнашиб, жонахон мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари кўлами, тинчликнинг аҳамияти, халқимиз турмуш фаровонлиги ўсиб бораётганига эътиборни қаратди.

— Ун беш мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудимизда бугун жўшқин ҳаёт ҳумрон, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Рисбой Солипов. — Ҳар қадамда яратувчанлик, бунёдкорлик билан банд халқимиз келажакка катта умид ва ишонч билан дадил одиламоқда.

Тадбирга ҳушовоз хонанда Умид Шаҳобов жозибадор кўшиқлари билан фойз киритди.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» муҳбири

НАВОЙ

Вилоят ноғиронларни реабилитация қилиш минтақавий марказида мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами муносабати билан «Ҳар бир фуқаро давлат химоясидадир» лойиҳаси асосида расмлар танлови бўлиб ўтди.

ОНА ЮРТ ТАСВИРИ

Унда реабилитация марказида даволанаётган имконияти чеklangан иқтидорли болалар иштирок этди. Суратларда ватан ва табиат манзаралари жилва қилди.

Биринчи ўринга ёш иштирокчи Умиджон Тошазаров, иккинчи ўринга Бунёд Хайруллаев, учинчи ўринга эса Шоира Улжаева эга бўлди. Ҳақиқатан ҳам уларнинг асарлари бадиий ва эстетик соғвон билан муқофотланди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» муҳбири



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ishonch

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсиясининг нашри • 2013-йил 17-август, шанба № 97 (3290)

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Президент қарорлари — амалда

Водий гавҳари бўлмиш Наманган азал-азалдан уста хунармандлари, тадбиркору миришкорлари билан маълуми ва машҳур. Бу замин бугун чексиз имкониятлари билан янада қизиқиш уйғотаётир. Кумуш толадан тайёрланган ипагу табиий матларининг довуруғи юртимиз оша жаҳонга бўйлаётгани ҳам бор гап.

Пилладан тиллагача

Бир замонлар меҳнат маҳсулини кўнжига тикиб, минг бир ҳадик билан бозорга солиш азобини бошидан ўтказган уста бугун шу хунари шарофати билан дунё кезмоқда. Олами таниш асосида юртимиз номини жаҳонга танитмоқда. Бу, албатта, истиқлол берган имкон, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Кейинги йилларда вилоятда ипақ курти боқиш, пилладан юқори сифатли маҳсулот олиш, умуман, ипақчилик саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борада Юртбошимизнинг 2011 йил 30 сентябр кунини вилоятга қилган ташрифи чоғидаги кўрсатмалари дастуруламал бўлаётир. Ушанда ипақчилик саноатини замонавий тенденциялар асосида бойитиш масаласи кун тартибига қўйилган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятида бўлган вақтдаги топшириқларини амалга оширишга доир тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қароридан ҳам «Хорижий инвестор билан биргаликда ипақчилик саноатини ривожлантириш юзасидан тўлиқ циклга эга бўлган йирик комплекс яратиш» масаласи вазифа сифатида белгиланди. Маълумки, «Тўлиқ цикл» тушуниши тут кўчатлари экишдан бошлаб ипақ газламалар ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни ўзини қамраб олади.

(Давоми 3-саҳифада).



Фарғонада байрам шукуҳи

Фарғона шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллигига бағишланган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, меҳнат жамоалари вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида халқимиз онгу шуурида, тафаккурида, ҳаётида улкан ўзгаришлар юз бераётганини, миллий қадрият ва анъаналаримизни қайта тиклаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасидаги ишлар тинч ва осуда ҳаётни мустаҳкамлашга, келажакка бўлган қатъий ишончини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ жойларда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида адабий-бадиий кечалар, давра суҳбатлари, турли маданий-маънавий тадбирлар таш-

кил этилмоқда. Янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт объектилари фойдаланишга топширилмоқда.

Ўтган 22 йил давомида Фарғона вилоятида ҳам бетимсол ўзгаришлар, кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, замонавий ва миллий мейморий ечимга эга қўлаб иншоотлар қад ростлади. Кенг ва раво йўллар қурилади. Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарлари ўзининг бетакор таровати билан бугун нафақат юртдошларимиз, балки хориқликларни ҳам хайратга солмоқда.

Кутлуг байрам арафасида Фарғона янада чирой очмоқда. Таълим, тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотлар атрофи, кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилмоқда. Фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган замонавий уй-жойлар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа иншоотларда қурилиш ва сўнги пардозлаш ишлари якунига етказилмоқда.

Тадбирда шаҳар ва туманлардаги турли жабҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган бир гуруҳ илгорлар тақдирланди. Она Ватани, истиқлолни, тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА муҳбири.
Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎЗА) олган суратлар



Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрамига алоҳида тайёргарлик кўриляпти. Таъкидлаш жоизки, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан байрамни муносиб кўтиб олиш мақсадида ташкил этилаётган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шioriини ўзида муҳассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари бошланғич ташкилотлар иштирокида зўр кўтаринкилик билан амалга ошириляпти.

Кўтаринки руҳда

Обод юртга байрамлар ярашади. Шу боис 22 июлдан «Ободлик кўнгиладан бошланади» шiori остида шахару қишлоқларда, корхона, ташкилот ва муассасаларда ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Бинолар пештоқи ва маънавият хоналари байрамга мос безалмоқда.

Истиқлолнинг 22 йиллик тўйи арафасида вилоят касба уюшмалари Ёшлар кенгаши ҳам қатор хайрли тадбирларда ташаббускор бўлмоқда. Жумладан, Сирдарё тумани ва Янгийер шаҳридаги «Саховат» ва «Муруват» уйлари ҳудудида ободонлаштириш ишларида жонбозлик кўрсатилди. У ерда истиқомат қилаётган қариялар, ноғирон аёллар ҳолидан хабар олиниб, байрам тадбири уюштирилди. Тадбир ноғиронлар уйи ҳамширалари ўртасидаги «Энг намунали ҳамшира» кўрик-танловига уланиб кетди.

— Фаол ёшларнинг ташрифи, уларнинг ободонликка кўмаклашуви, байрам тантанаси нафақат беморлар, балки ходимларимизни ҳам ниҳоятда қувонтирди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшма ташкилотларининг ноғиронларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, ходимларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги ишларидан мамнунмиз, — дейди «Муруват» ноғирон аёллар учун интернат уйи директори Фулом Султонов.

(Давоми 3-саҳифада).

«Шарқ тароналари — 2013»

Матбуот анжумани

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ва тадбир жараёнларини амвоий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Фестивал матбуот маркази раҳбари С.Остонов, Самарқанд вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи К.Мизомов ва бошқалар ушбу фестивалга қўриляётган тайёргарлик ҳақида маълумот берди.

Шаҳардаги кўча ва хиёбонлар, тадбирлар ўтказиладиган масканлар, меҳмонхоналарда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Регистон майдонида фестивалнинг асосий тадбирлари ўтказиладиган сахна ва амфитеатр ташкил этилди. Самарқанд шаҳрининг марказий кўчалари, хиёбон ва майдонлар, фестивал тадбирлари ўтадиган жойлар замонавий тўнги ёритиш мосламалари билан безатилмоқда. Халқаро фестивал кунларида Регистон майдонида намойиш этиш учун ширинликлар, қуруқ мевалар, полиз маҳсулотлари ва мевалар, Самарқанд ноҳияси, хунармандчилик маҳсулотларидан иборат композиция тайёрланмоқда. Иштирокчиларнинг туман ва шаҳарларда

аҳоли билан ижодий учрашувларини ташкил этиш мақсадида Самарқанд шаҳридаги «Муъжиза» амфитеатри, «Ёшлик» маданият ва истироҳат боғи, Самарқанд педагогика коллежининг «Нихол» амфитеатри, 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби, Пастдарғом туманидаги «Ёшлар» маданият ва истироҳат боғи, Оқдарё туманидаги «Қирқдархон» маҳалла маркази, Жомбой туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби, Самарқанд туманидаги «Обод турмуш» маҳалла марказида зарур шарт-шароитлар яратилди.

Фестивал доирасида «Шарқ мусиқа ананалари замонавий маданият тизимида» мавзуда илмий конференция ўтказилди. Самарқанддаги тарихий обидалар, зияратхоналар, музейлар ва истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотларга саёхатлар уюштирилди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири

Танлов

Ғолиблар

республика босқичига боради

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси Ижроия қўмитасининг уч томонлама қўшма қарори асосида «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танлови ўтказиш тўғрисидаги Низомга кўра кўрик-танлов икки босқичда ўтказилиши белгиланган бўлиб, биринчи босқич ғолибларини аниқлаш давом этмоқда.

— Танловда катнашиш учун корхона ва ташкилотлар томонидан вилоят ишчи комиссиясига «Ахборот-карта»лари ва меҳнатни муҳофаза қилиш борасида олиб борилган ишлар ҳақида маълумотлар тақдим этилди, — дейди Тошкент вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи муҳассиси Қадрамон Хайтов. — Ҳар бир ҳужжат батафсил ва ошқоралик руҳида ўрганилди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаси талабларининг бажарилиши, меҳнат шароитини яхшилашга йўналтирилган тадбирлар самарадорлигига эътибор қаратилди.

Комиссия аъзолари ҳулосасига кўра, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшма ташкилотларидан «Максам-Чирчиқ» ОАЖ, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси тармоғидан «Охангаронцемент» ОАЖ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшма ташкилотларидан «Ипотек банк» АТБ Тошкент вилояти филиали 1-уринни кўлга киритди. Улар танловнинг республика босқичида катнашадилар.

Ғузэл НОРЧАЕВА,
«Ishonch» муҳбири

Касба уюшмалари — мустақиллик йилларида

Мамлакатимиз ривожланиш йўлидан дадил одам ташланаётир. Ҳар жабҳада мислсиз ютуқларга эришилмоқда. Меҳнат аҳлининг суянган тоғи бўлмиш касба уюшмалари ҳам амалга ошириляётган ислохотларга муносиб улуш кўшаяпти.

— Фаолиятимиз Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2013 йил учун белгилаб олинган устувор йўналишларини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, зимматимиздаги вазифаларни амалга ошириш учун ташаббускорлик кўрсатиб ишлашга ҳракат қилаёямиз, — дейди Фарғона вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Дилфуза Ходжаева. — Масалан, жорий йилнинг 6 ойи-

лаштириш бўйича ишлари якунига етказилди.

Бирлашма кенгаши тузилмаси ва аппарат штатлар жадалли ўзгарганлиги сабабли бирлашма кенгаши масъул ходимлари ўртасидаги хизмат вазифа-

ҳуқуқий манфаатларини химоя қилиш ҳамда улар меҳнатини муҳофаза қилиш мақсадида бу йил 10187 та жамоа шартномаси экспертизадан ўтказилди. Амалдаги 10187 та жамоа шартномаси 10202

Вилоят миқёсида корхона ва ташкилотлардаги тузилган жамоа шартномаларига жами 624198 та банд киритилган бўлиб, шундан 592056 тасининг бажарилишига эришилди. Барча даражадаги бошлан-

Мақсадларимиз муштарак

лар тақсимоти ишлаб чиқилди.

Вилоят ҳокимлиги, касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2012-2014 йилларга мўлжалланган уч томонлама ҳудудий минтақавий Келишувга 2013 йил учун қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Ташкилот, корхона ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий,

та юридик шахс мақомига эга корхона ва ташкилот эга нисбатан татбиқ этилиб, улар орқали касба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари химоя қилинмоқда. Жамоа шартномаларининг бажарилиши ҳисобига ҳар бир касба уюшма аъзосининг манфаатдорлик даражаси 2011 йилда 937,3 минг сўмга етган бўлса, 2012 йил якунига кўра, бу кўрсаткич 1243,9 минг сўмни ташкил этди.

ғич касба уюшма ташкилотларида тузилаётган жамоа шартномаларига «Корхонада энг насл лавозимдаги ходимлар тариф сеткасининг 1-разряди (тариф коэффициентини — камида 2,476) бўйича тарификация қилинишини таъминлаш», «ХМТнинг 29-, 138- ва 182-Конвенциялари талаблари бажарилиши» каби бандларни киритиш қатъий назоратга олинди.

(Давоми 2-саҳифада).

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Маълумки, байрамлар куй-қўшиқсиз ўтмайди. Вилоятнинг барча ҳудудларида концерт дастурлари ташкил этилмоқда. «Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» акцияси

филмлар кенг намойиш этилди. Жумладан, Жиззах вилояти Зомин тумани ҳудудидаги «Сирдарёпахтасаноат» бирлашмасига қарашли «Гулистон» болалар дам олиш оромгоҳида «Истиқлол берган неъмат» мавзусида тадбир уюштирилди.

сухбатлари уюштирилмоқда. Уларда Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби мазмун-моҳиятини очиб беришга алоҳида аҳамият қаратилаёпти. Қайд этиш жоизки, байрам арафасида касабалари учун дарслик ва ўқув қуроллари харид қилиш харажатларини қисман қоплаб бериш, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатиш, 3 ёшгача боласи бор аёлларга ойлик маоши

Ўқув-семинар

Устувор вазифаларга бағишланди

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда ўзига хос мактаб яратилди. Соҳада туб ислохотларни амалга оширишда касабалар уюшмалари ҳам фаол иштирок этаётди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тармоқ касабалар уюшмаси Марказий кенгаши ўртасидаги икки томонлама келишувга асосан ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, бандлик, меҳнат шароити, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазасига оид манфаатлари қамраб олинган. Кўпгина тиббиёт муассасаларида ҳодимларга қўшимча имтиёзлар берилмоқда.

Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касабалар уюшмаси Марказий кенгаши мутахассислари томонидан Жиззах вилоятида ўтказилган амалий ўқув-семинарда шулар ҳақида тўхталиб ўтилди. Касабалар уюшмаларининг устувор вазифалари, бошланғич тақдирларида меҳнат қонуничилиги, Устав талаблари асосида иш юритиш, касабалар уюшма бюджетни маблағларидан самарали ва тўғри фойдаланиш, маданий-маърифий ва спорт ишларини ташкил этиш, меҳнат муҳофазаси, жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш, электрон ҳужжат айрибошлашни тизимли йўлга қўйиш сингари долзарб мавзуларда сўз юритилди. 2013-2015 йиллар учун имзоланган Тармоқ келишувидеги ҳодимларнинг ижтимоий ҳимояси қўлама янада кенгайтирилади. Жумладан, «Меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар ва компенсация тартиблари тўғрисида» қўриқ-таънавлар соҳадаги ибратли ишларнинг оммалашувиغا хизмат қилмоқда. «Sof ipak invest» МЧЖ ҳам истиқболли лойиҳаларни доирасида миллий матоларимизни ишлаб чиқариш ҳамда хориж бозорига йўналтиришни режалаштирган. Жамият мақсадларини амалга ошира бориб, соҳада илғор бўлишга, илгорликда ҳам ҳамма-нинг ҳавасини келтири оладиган даражага қишига интилмоқда. Ёнг асосий мақсад — соф ўзбекиона махсулотлар билан жаҳон бозорини забт этиш.

қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар» банди ҳам ўрин олди.

Тармоқ касабалар уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ф. Ханалиев молиявий масала юзасидан алоҳида тўхталиб, касабалар раислари эътиборини у ёки бу тадбир билан боғлиқ ҳар қандай молиявий ҳаракатда харажатлар сметаси бўлиши ва унга қатъий амал қилиниши, моддий ашёларни ҳисобдан чиқаришда фаоллар кўмағига далолатнома тузилиши зарурлигига қаратди.

Уч кун давомида тармоқ касабалар уюшмаси Марказий кенгаши мутахассислари Жиззах вилоятидаги 45 та бошланғич касабалар уюшма ташкилотига амалий кўмак беришди.

— Мазкур ўқув-семинар катта таассурот қолдирди, — дейди тармоқ касабалар уюшмаси Пахтакор туман кенгаши раиси А. Андаев. — Тармоқдаги сўнгги янгиликлар дунёқарашимизни янада бойитди. Галдаги вазифа — ўрганганларимизни амалиётга кенг татбиқ этиш.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Кўтаринки руҳда

доирасида «Гулистон» марказий уйингоҳида бўлиб ўтган тадбирга 35 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтожлар таклиф этилди. Шунингдек, «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди!» шiori остида Гулистон шаҳридаги Н-ҳарбий қисмда мустақилликни ҳимоя қилиш йўлида жонини фидо этган ҳарбий хизматчилар оилаларига манзилли ёрдам кўрсатилаётди. Байрам шодлиги болалар қўлига ҳам кўчган. Ёзги оромгоҳларда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида ташкил этилган тадбирлар доирасида янги бадиий, ҳужжатли, мультипликацион

либ, болалар билан савол-жавоблар ўтказилди, ўзбек, рус ва инглиз тилларида шеър ва кўшиқлар ижро этилди. Фаол болалар тақдирланди. Вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликдаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш режасига асосан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида жойларда адабий-муסיқий кечалар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилаётди. «Истиқлол — миллият, тили ва динидан қатъи назар барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари гаровидир», «Мустақил Ўзбекистон — таянчим ва ифтихорим» мавзуларида давралар

уюшмалари томонидан меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий рағбатлантириш борасида қатор хайрли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 11 нафар эҳтиёжман оилага маиший техника жиҳозлари тақдим этилди. 71 та корхонада 162 нафар кам таъминланган оилалар вакилига 15,1 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 3 та корхона томонидан 3 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 78,5 млн. сўмлик фоиcисиз ссудалар берилди. Кам таъминланган, боқувчи-сини йўқотган оила фарзан-

сақланган ҳолда иш вақтининг хафтасига 35 соатдан ошмайдиغان қилиб белгила-нишга эришиш каби ишлар касабалар уюшма мавқеини янада ошираётди. Дарвоқе, маданий тадбирлар доирасида Сайхунбод, Сирдарё, Гулистон, Оқолтин, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Бобёут туманлари меҳнатқашлари, талаба-ўқувчи ҳамда кам таъминланган, кўп болали оила вакиллари-нинг тарихий шаҳарлардан саёҳатлари уюштирилади. Истиқлол байрами шудаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 78,5 млн. сўмлик фоиcисиз ссудалар берилди. Кам таъминланган, боқувчи-сини йўқотган оила фарзан-

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Ижтимоий хизмат

Мустақиллик йилларида жамиятни ислоҳ қилишнинг «ўзбек модели» сифатида асос қилиб олинган бешта тамойилни амалга оширишда давлат томонидан кучли ижтимоий сибёст олиб берилмоқда. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари — болалар, ёлғиз қариялар, ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлашда ижтимоий кўмаклашув тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизмини шакллантириш ислохотларнинг муҳим бошқичларидан этиб белгиланган.

Ғамхўрлик оғушида

Миллий матбуот марказида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ўтказилган «Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ва маънавий ҳимоя қилиш борасида белгиланган чора-тадбирлар» мавзусидаги анжуманда мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар хусусида атрафлича сўз юритилди.

Анжуманда қайд этилганидек, ўтган даврда республикаимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандликни таъминлаш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратиш сингари қатор тадбирлар амалга оширилди. Бундан ташқари, Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш мақсадида реабилитация марказлари тизими шакллантирилиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Ҳар йили 15 минг нафардан зиёд ногиронга тиббий-ижтимоий ва касб-реабилитация хизматлари кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридеги ижтимоий муҳофаза тизимини янада такомиллаштириш ва давр талабига мослаштириш вазифалари белгилаб берилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан, биринчи навбатда, кексалар ва ногиронларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматнинг кафолатланган тизимини шакллантириш ва жаҳон стандартларига мослаштириш мақсадида тиббий-ижтимоий муассасаларнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси янада мустаҳкамланди.

Ижтимоий хизмат тизимининг янги турлари, хусусан, реабилитация техник воситаларини ижарага берувчи прокат пунктлари, ижтимоий такси, мобил ижтимоий гуруҳ, ижтимоий томорқа ва бошқалар ташкил этилиб, уларнинг фаолиятлари янада такомиллаштирилди. Утган даврда 50 га яқин тиббий-ижтимоий муассасанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди ҳамда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Ижтимоий ҳимоянинг фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилиши хизматлар тури кенгайтириш ва сифатининг орттишига туртки бўлди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси» нафақат давлат, нодавлат ва тижорат тузилмалари, балки халқаро ташкилотлар ўртасида ҳам кўпгина самарали ижтимоий шериклик ташаббусларини ривожлантиришга кўмак берди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Комила БОЙМУРDOBA, «Ishonch» мухбири

Пилладан тиллагача

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Фаолият бошлаганига унча кўп вақт бўлмаган «Sof ipak invest» МЧЖ ҳам ишни даставвал Хитойдан келтирилган замонавий 270 минг тул тут қўчатларини 1,7 гектар жойга қадашдан бошлади. Бўй чўзиб қолган қўчатларни плантация учун мўлжалланган ҳудудларга кўчириб ўтказиш тадбири ҳам бошлаб юборилган.

— Жамиятимиз томонидан жорий йилги мавсумда Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи 180 нафар ипак курти боқувчига 450 қўти уруғлик тарқатилиб, 25 тонналик қумуш тала хирмони яратилди, — дейди МЧЖ раҳбари Толиб Игамбердиев. — Қимматбахо хомашё қайта ишланиб, ипак гилам, атласу адрас шаклида ички ва ташқи бозорда харидорларга етказилиши режалаштирилган.

Айни кунда жамият қошида 20 нафар касаначи аёл қадимий аънаналарни тиклаш ҳамда замонавий усуллар билан бойитиш асосида ипак гилам тўқиш билан шугулланаётди. Турли нақш нигорлар, Шарқ санъатининг ҳар бири бўлмиш миниатюра лавҳалари акс этган гиламлар нафақат бетақдор гўзаллиги, балки майин ва пишққлиги билан ҳам ажралиб туради. Дастгоҳ узра тежорлик билан ҳаракатланаётган қўллар

иплар устида рақс тушаётган капалак қанотларини ёдга солади. Капалак рангидек турфа, қанотларидек майин нақшлар сеҳри сув устида жилваланаётган кўёш нурларини тақдорлайди гўё.

Аслида, ипакдан тайёрланган қанча махсулот бўлса, барчасида табиатнинг минг бир ранги жилва этади. Минг йиллар давомида аёлларнинг эътибори марказида бўлиб келаётган атласу адрас ҳам шулар жумласидан. Атлас тўқиш, ундан фойдаланиш тарихи миллоддан аввалги I-минг йилликнинг иккинчи ярмига тўғри келиши тарихий манбаларда қайд этилган. Ривоят қилишларича, атлас матосини яратётган хунарманд ёмғирда қайилган майсалар яшиллиги, лола гулбаргию шафқ қизиллиги, тунги осмон кўм-кўклили, тевозор арик сувидеги қўёш шувласи ҳамда навиқол қизнинг муҳаббатга тўла қўзларидаги теранликдан илҳомланган экан.

Ипакдан тайёрланган матолар инсон вужудини турли зарарли таъсирлардан асраши баробарида тана ҳароратини мўътадил сақлаш хусусиятига ҳам эга. Миллий матоларимизга серқўёш ватанимизнинг тафти, болажон халқимизнинг меҳри, бағрикенг юртдошларимизнинг очик қалби жо этилган-

Дилдора РАҲМОнова, «Ishonch» мухбири

Тадбиркорга мададкор

Фаргона шаҳридаги бизнес-га кўмаклашувчи «Ягона ойна» маркази ҳудуд тадбиркорларининг яқин кўмакчисига айланган.

2012 йилда фаолият бошлаган марказда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шугулланаётган фуқароларга бир неча турда хизмат кўрсатилади. Хусусан, руҳсатномалар, гувоҳнома ва сертификатлар расмийлаштирилади, солиқ, божхона ва коммунал хизматлар учун тўловлар амалга оширилади. Банк ва молия хизматлари, хориждан ускуна ва технологиялар олиб келиш борасида маслаҳатлар берилади.

Муқимжон ҚОДИРОВ (Ўза) олган сурат



Реклама ва эълонлар

«Respublica markazi» ЁАЖ «Roytaxt filiali» бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич олиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2013 йил 6 августдаги 208-п-сонли фармойиши ва 2013 йил 8 августдаги ТН-10/1236-сонли буюртманома-сига асосан, Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси Кенгашига тегишли Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Чинобод кўчаси, 88-уй манзилида сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган «АЗС» ва 2009 йилда ишлаб чиқарилган «КАЗС» русумли автомобилларга ёқилги қўйиш станциялари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 14 820 469,46 сўм.

Савдо 2013 йил 18 сентябр кунин соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кун-

лари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 16 сентябр кунин соат 18:00. Автотранспорт воситалари 2013 йил 18 сентябр кунин соатилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2013 йил 1-16 октябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 1 октябрдаги тақрорий савдолар учун 27 сентябр кунин соат 18:00; 16 октябрдаги савдолар учун 14 октябр кунин соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо голибига 10 иш кунин ичидега сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000500571452141; МФО: 01036; СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истикбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (8-371) 236-38-28. Расмий сайтими: www.rmm.uz.

Изоҳ: а/в — автотранспорт воситаси, д/р — давлат рақами, и/ч — ишлаб чиқарилган, б/б — бошланғич баҳоси.

Хизматлар лицензияланган.

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич олиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Риштон туман тиббиёт бирлашмасининг 15.08.2013 йилдаги 235-сонли хатига асосан, Риштон шаҳар, Ҳ.Олимжон кўчаси, 9-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 1. «BA3-2121» русумли, д/р 40 227 ТАА, 1989 йилда и/ч, носоз ҳолда бўлган. Бошланғич баҳоси — 563 000 сўм.
- 2. «BA3-2121» русумли, д/р 40 228 ТАА, 1990 йилда и/ч, носоз ҳолда бўлган. Бошланғич баҳоси — 563 000 сўм.

Савдолар 2013 йил 17 сентябр кунин соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 13 сентябр, соат 18:00.

Савдо голибига 10 иш кунин ичидега сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Халқ банки» Фаргона вилоят филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497; СТИР: 302134194; х/р: 20208000704943063001.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фаргона шаҳар, Б.Марғиновий кўчаси, 35-уй. Тел: (8-373) 244-43-53. www.rmm.uz.

Гувоҳнома №1177.

Огоҳлик

Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси тарқалишини тўхтатиш ва у билан касалланишни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратиш. Жумладан, 1999 йил 19 августда «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг олдини олиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган 2007-2011 йилларга мўлжалланган ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишнинг стратегик дастури амалга оширилди.

Махсус резолюзия қабул қилинди

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган анжуман шу мавзуга бағишланди. БМТ Тараққиёт Дастурининг ОИВга қарши кураш лойиҳасини амалга ошириш ишлари доирасида ўтказилган мазкур тадбирда давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотларнинг 60 нафар вакили қатнашди ва ОИВ/ОИТС эпидемиясидан зарарланган инсонларга кўмак беришда ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамияти хусусида сўз юритилди. Шу билан бирга, иштирокчилар миллий аънава ва қадриятлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ОИВнинг олдини олиш бўйича дастурларнинг мамлакатимизда амалга оширилишини таъминлаш борасида фикр алмашиш имкониятига эга бўлдилар.

ЮНЭЙДС вакилининг берган маълумотларига қўра, ҳозирда ер юзидега 34 млн. киши шу инфекциядан зарарланган. Ачинарлиси, уларнинг 16,8 млн. нафари аёллар, 3,4 млн. нафари эса болалардир. Кунига 7000 киши ушбу дардининг домига тушаётгани, оналар ўлимининг 5/1 қисмининг асосий сабаби ҳам ушбу касаллик билан боғлиқлиги таъкидланди. Қўрилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида 25 мамлакатда 2001 йилга нисбатан бу хавфини қамайишига эришилган бўлса-да, баъзи ҳудудларда азият чекаётганлар сони ҳамон кўпайиб бораётгани ҳам айтиб ўтилди.

Йигилтиш сўнггида иштирокчилар томонидан махсус резолюция қабул қилинди.

Раъно МАҲҚАМОВА, «Ishonch» мухбири



Ёш гандболчилар баҳси

Нукус шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида гандбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Ёш авлодни спортга кенг жалб қилиш, ўқувчилар ёзги таътилини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган қўл тўпи баҳсида шаҳарнинг 9-ва 6-умумтаълим мактаблари ёшлари голиб чиқди.

Суратда: мусобақа иштирокчиси Марзия Есемуродова.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Биласизми?

«Samsung» компанияси «Galaxy Gear» товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун АҚШ патентлар ва савдо маркаларини рўйхатдан ўтказиш бюросига мурожаат қилган.

«Ақлли» соат яратилади

Унда қўл соати шаклидаги рақамли электрон курилма тавсифланган. Уни билакка ёки билгазуқ билан бирга тақшиш мумкин. Ушбу гаджет интернетга улашиш, телефон кўнгирақлари, электрон почта ва хабарларни юбориш ва қабул қилиш имконини беради. Курилманинг дизайнида эластик дисплейдан фойдаланиш кўзда тутилган. Махсулот тайёр бўлмагач, товар белгисининг рўйхатдан ўтказилиши «Samsung» компанияси кўлга тақиладиган гаджетлар бозорини забт этишга жиддий тайёргарлик кўраётганидан далолат беради. «Ақлли» соатлар «Android» платформасида ишлайди. Бу эса уларнинг Galaxy-смартфонлар ва планшетлар билан мослашувини кафолатлайди.

Британиялик ёзувчи аёл — «Кулраннинг 50 сояси» трилогиясининг муаллифи Э. Л. Жеймс «Forbes» журнали томонидан тузилган жаҳоннинг энг кўп қалам ҳақи оладиган ёзувчилари рўйхатида биринчи ўринни эгаллади.

Энг кўп қалам ҳақи

Маълумотларга қараганда, сўнгги йил давомида Жеймс 95 миллион доллар қалам ҳақи олган. Рухшунос Алекс Кроссе ҳақидаги ўткир сюжетли романларнинг муаллифи, ўтган уч йил давомида рўйхатда етакчи бўлган Жеймс Паттерсон бу сафар иккинчи ўринга тушди. Лекин у келаси йил биринчи ўринга қайтиши мумкин, чунки китоблари сотилиш даражаси ҳамон юқориликча қолмоқда.

Учинчи ўринни эса ўтган йили «Окюз ўйинлари» асари туфайли 55 миллион доллар ишлаб олган Сюзан Коллинз эгаллаб турибди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Тадбир

Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида «Aglinks plus» халқаро лойиҳаси доирасида шафтоли сайли ўтказилди.

Шафтоли сайли

Шафтоли етиштирувчи боғbonлар мусобақасига айланган ушбу тадбирда Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан келган 60 нафардан зиёд тажрибали фермер ва боғbonлар ўзлари етиштирган турли навадаги сархил шафтоли мевалари билан иштирок этди.

— Намойиш этилган 120 турдаги шафтоли мевалари шакл-

шамойили, мазаси ва ўзига хос жиҳатлари билан бир-бирдан фарқ қилади, — дейди Андижон вилояти қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси бўлими бошлиғи Абдумуталиб Сулаймонов. — Бу юртимизда шафтоли турлари ва навлари ортаётгани, уларни турли ҳудуд ва шароитларда етиштириш борасида ўзига хос тажриба шаклланаётгани, янгиликка интилувчан миришкор боғbonлар ва мутахассислар-

нинг изланишлари махсулидир. Тадбир доирасида меваларни куришти, қадоқлаш, шафтолини узоқ муддат сақлашга мўлжалланган янги технология ва усуллар тақдими бўлиб ўтди. Хусусан, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «Ширинлик агро» агрофирмаси томонидан уй шароитида шафтолини қайта ишлаш, ундан цукат, мармелад ва қоқи тайёрлаш жараёнининг тақдими иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тақдим этилган шафтоли навлари мутахассислар томонидан турли номинациялар бўйича баҳоланди. Фолиблар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

(ЎЗА)

Бадиа



Севги мангу

қаро бўлур, қаноти ало бўлур», дея янграган тоғ чашмасидай жарангдор қўшиқлари!.. Баҳодирнинг қалби қувончдан қўқисни ёриб юборай деб уринар, аммо йигит, барибир, қиз тамон яқин йўлай олмас эди... Во, дариг, таътил кўз очиб юмгунча ўтиб борар, сеvgи изҳор айлаш у ёқда турсин, қизнинг лоақал бармоқларини туттишга ҳам журъат эта олмасди йигит. Бунга сабаб бор: Ҳакимани келин айлаш орузида юрган Зебо она оламдан армон билан ўтди-кетди. Энди Баҳодир етимча, унга Ҳакимадай гўзал қизга етишмоқ қайда? Йўқ, ахирги бир кун озгина журъат пайдо бўлди: тугил-

ган кун баҳонасида қўшниси Анвар билан Дўрмонга бордилар. Анвар Ҳакимани яқин қариноши эканлиги учун хилватга қизни чорлаб берди. Энди юрак ютиб, Баҳодир Ҳакиманинг қўлидан туриб, умр бўйи тўплаб юрган маблағини сарфлаб харид қилган узукни таққан, аммо сеvgи изҳор айлашга улгурмаган эди: Анвар ваҳожати бузилган бир алфозда пайдо бўлди-да, Ҳакимани онаси зудлик билан қақираётганини айтди. Бундан ҳам кўнгли таскин топмади чоғи, қайта-қайта сўқина кетди. Покиза гулзорга ўт тушди... Хуллас, нима балолар бўлса бўлди!.. Ҳакима икки қўли билан

қулоқларини чиппа беркитди-да, ичкарига отилди. Қўлтигидан тарвузи тушган Баҳодир шу заҳоти қишлоғига яёв жўнаб кетди: Дўрмондан Хондайликка! Бир йил ўтди, икки, уч йил... Вояга етиб катта қиз бўлиб қолган Ҳакима қишлоқни ёдидан чикарди. Баҳодир ўйларди: «Энди унга қишлоқ ҳам, қишлоқни ҳам керак эмас?!» Ҳа, эҳ, эҳ сайин оташда ёнарди, юрагиди лалча чўғ кунайса кучаяр, сира ўчай демасди. Ҳакиманинг Чирчик шаҳридаги бир йигитга узатилиб кетганини эшитганда юрагиди чўғ вулқон бўлиб портлади: хилват жойларга бориб, ўқириб-ўқираб йиғлади, бўшбаёвлиги учун ўзига-ўзи минг лаънатлар ўқиди... Ниҳоят журъату иродасини тўплаб касб ўрганди, ўқиди, эл қаторига қўшилди.

Ҳа, дарвоқе, Ҳакиманинг тузилган кунидиғи кўнгилисизликдан кейин бозорда ногаҳон Кумри аяни учратиб қолди. Тўрт-беш йил ўтиб кетганига қарамай Кумри аянинг ёдига бор экан, ачитиб гапирди:

«Ушанда хайрлашмай кетиб қўлибсан, ўғлим? Ҳакима йиғлайвериб ҳаммамизни қон қилиб юборди-я! Узатилар кундаги дод-фарёдлари-ку, ҳаммасидан ошиб тушди!» Баҳодир шундагина, олма бировнинг кўйига кириб кетгандагина гапнинг тағига етди: ҳаммаси «жона-жон» ўртоғи Анварнинг «ижоди» экан! Кейин йўлаб қолди: «Хўш, умр бўйи сеvgи яшаганимга уйлансам нима бўларди, ярағидан-мақсадимга етардимми?! Сеvgи деб аталмиш Аллоҳ неъматли заволга учрамасмиди? Заволга йўлиқиб у ёқда турсин, турмуш деб аталмиш дўзах оловиди ёна-ёна кул бўлмасми-

ди! Севгим висолига етиша олмаганим учунгина қалбимдаги лалча чўғ сақлаб қолган бўлса-чи? Баъзан чўғ унутаман, аслида шу кезде чўғ юзини ёнгилгина кул қоплаган бўлади. Бир сабаб билан элқин ёки шамол кулни учириб юборса, чўғ яна авж олиб қалбни, хатто бутун бориқни беаёв хизганак қилаверади. Ҳижрон азобиди ўтпман, аммо соф сеvgим бус-бутунча қалбимда сақлаб қолди-ку! У эзим билан соф ҳолда у дунёга кетади. Кейин нима бўлишини ёлғиз Фратгубчининг ўзи билади...»

Инсон тафаккури, хаёли ҳеч қандай чек-чегарани билмайди, у ҳамма нарсадан уқкур, тезкор, илдам... Ҳакима маршрутқа чикиб, ёнидаги ўриндиққа келиб жойлашгунга қадар Баҳодир ота хаёлидан ҳамма-ҳаммаси ўтиб улгурди. Ана, ёнгилгинада эллик-олтмиш йиллар аввалгидек гўзалларнинг гўзали, сулувларнинг сулуви, бу ёруғ оламнинг пари-пайкари ўтирибди...

— Ҳакима, бемаҳалда нима қилиб юрибсиз?

— Байтўрғондаги неварамнинг тоби қочинқираган экан, шундан кўнглим алағда бўлиб йўлга чиқувдим, ўзингиз-чи?

— Мен ҳам шаҳардаги қизу невараларимникидан қайтипман.

— Сўраб-суриштириб тураман, оламни кеза-кеза, ахирги жонажон қишлоғимизга қайтибсиз-да!

— Ҳа, ростдан ҳам менга у жонажон: ҳар бир сўқмоғи, қиру сойлари кўзларимга тўтиё...

— Бас қилинг, ёна-ёна кул бўлган юрагини қайта ўртаман! Ҳа, ўзингиз... Баҳодир отанинг кўнгли энди ўрнига тушди: «Ҳа, у ҳам мени сеvgан экан-да!» Бейхитёр кули кўз ёшларини қафти билан беркитиб ўтирган аёл сари чўзилди-ю, дарров тортиб олди: «Ахир у бировнинг жуфти ҳалоли-ку!»

— Онаҳон, Байтўрғонга келдик, — деди ҳайдовчи чол-камплир сўхбатига ноилжоз чек кўяр экан.

— Ҳа-я, мен тушай, бўлмасам... Баҳодир отада бирдан журъат пайдо бўлди. Машина эшигини йиғитлардек илдам очди... Улар сўзсиз-содасиз хайрлашдилар. Қайтиб машинага чиқаётган отанинг кўзлари намли эди.

Асад АСИЛ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev
Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov,
Baxtiyor Mahmadiyev,
Oksana Belasova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov,
Jahongir Sharofboyev
(Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.
Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo + 998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manziliimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
Nashr ko'rsatkichi:
133
Gazeta haffaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A. Qodirova
Navbatchi:
U. Ibodinov
Musahhih:
S. Shodiyeva
Bosilishga topshirish vaqi: 21.00
Topshirildi: 21.20
E-mail: ishonch2012@gmail.com
Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullajlov»
«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.